

ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Катта ўқитувчи Л.Ибрагимова (ЖДПИ)

Магистр Д.Ачилова (ЖДПИ)

Таълим жараёни ниҳоятда мураккабдир. Таълим самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий, методик мукамаллигига, жамиятда илмий кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа омилларга боғлиқ. Жамиятда ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади. Таълим жараёнида ўқувчида мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориш ҳозирги кун талаби ҳисобланади.

Нутқ кўп қиррали инсон фаолиятида ташқи дунё билан ўзаро алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам нутқий маданият тарбияси қадим замонлардан буён таълим-тарбия тизимида етакчи ўринлардан бири ҳисобланади. Ўқувчилар – жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий янгиланишининг муҳим субъектларидан бири бўлиб, турмушда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказадилар ва ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайдилар. Ўзбекистоннинг эртанги келажаги қандай бўлиши ана шу ўқувчиларнинг нутқини шакллантириш, ва унда миллий адабиётнинг ўрнига боғлиқ. Эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириб, ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, уларнинг барча-барчаси аввалом бор, янги авлод, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. (И.А.Каримов “Қамолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Маърифат, 2001. 27январ)”.

Ёш авлодни ҳар томонлама кучли, билимли, ўз ишининг моҳир устаси, ўз Ватанининг жонқуяри қилиб тарбиялашда ўқувчилар нутқида миллий адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида миллий адабиёт яъни истиқлол даври ўзбек адабиёти дарсини янги педагогик технология асосида анъанавий ва ноанъанавий усулларда ўтиш, ўқувчиларнинг онгига Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши, уларнинг қалбида ватанпарварлик, миллий ғурур, ахлоқий ғоялар, улуғ алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий-маданий мерослар билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда миллий адабиётнинг имкониятлари бениҳоят каттадир.

Миллий адабиёт дарсини педагогик технология асосида ўтишнинг энг асосий талаби ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим бериш кўзда тутилади.

Ижтимоий такомилга ва умумий бахт-саодатга эришишда инсоний фазилатларни шахс онги, шуурига сингдириш ва комил инсонни шакллантириш ўқувчилар нутқида миллий адабиёт таълимининг қай даражада ўқитилишига боғлиқдир. Мазкур мақсадларни юзага чиқаришда, албатта, унинг ўқитувчилик маҳорати катта рол ўйнайди. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бошида шахс туради. Таълим-тарбия узлуксизлигини таъминловчи, уни амалга оширувчи, такомиллаштириш йўллари изловчи бу ўқитувчи шахси ҳисобланади.

Таълим жараёнида ўтилаётган “Истиқлол даври ўзбек адабиёти” дарси ўқувчиларга шундай савол беради: “Адабиёт нима?”. Ушбу дарсни ўтишда ўқитувчи адабиёт ҳақида, адабий тур ва жанрлар, адабий жараён ҳақида маълумот бериши ва қандай бадиий асарларни талабалар ўқиганликлари, улардан олган таассуротлари ҳақидаги суҳбат билан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу суҳбат жонли, қизиқарли бўлиши билан бирга ўқувчилар билимини ёритишга қаратилган бўлиши зарур. Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларга шеърӣ, драматик ва проза шаклида ёзилган асар намуналарини кўрсатиш, улардан парчалар ўқиб бериши дарс жараёнини жонлантиради ва педагогик қийматини оширади. Бундан ташқари мавзунӣ ўргатишга киришишда баҳс-мунозара, суҳбат, конференция, семинар ва назм дарслари ўтказиш яхши натижа беради. Ўқувчиларнинг нутқини оширишга, билимини мукаммаллаштиришга ва ўзгани тушунишга ундайди.

Ижтимоий такомилга ва умумий бахт-саодатга эришишда инсоний фазилатларни шахс онги, шуурига сингдириш ва комил инсонни шакллантириш миллий адабиёт таълимининг қай даражада ўқитилишига боғлиқдир. Мазкур мақсадларни юзага чиқаришда, албатта, унинг ўқитувчилик маҳорати катта рол ўйнайди. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бошида шахс туради. Таълим-тарбия узлуксизлигини таъминловчи, уни амалга оширувчи, такомиллаштириш йўллари изловчи бу ўқитувчи шахси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар нутқида миллий адабиётнинг дарс давомида мукаммал ўргатилиши ўқувчиларга ўз миллатини, ўтмишининг буюклигини англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини ҳис қилиш, ота-боболаримизнинг бебаҳо нодир асарларининг кадрига етиш ва энг асосийси баркамол инсон бўлишга, ўзлигидан фахрланишга ўргатади

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Маърифат, 2001. 27январ
2. Ғуломов А. Нутқ ўстириш машғулоти. Т., Ўқитувчи.1995.
3. Ғуломов А. ва б. Нутқ ўстириш. –Т.: Ўқитувчи, 1997.